



**ҚОРАҚАЛПОҚ, ТУРКМАН ВА ИНГЛИЗ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА
МАКОНИЙ ЧЕГАРАЛАР ВА ҚАҲРАМОН ҲАРАКАТИНИНГ ҚИЁСИЙ
ПОЭТИКАСИ**

Жаумитбаева Перизат Караматдиновна

perizatjaumitbaeva@gmail.com

Халқ эртакларида қаҳрамоннинг саргузашти кўпинча уйдан чиқиш, йўлга тушиш ёки тақиқланган ҳудудга кириш билан бошланади. Қаҳрамон таниш муҳит ичида қолган вақтда воқеалар одатий тартибда давом этади. У макон чегарасини кесиб ўтгач, янги шартлар, номаълум кучлар ва хавфли синовларга дуч келади. Шу сабабли эртақ сюжетини фақат воқеалар кетма-кетлиги сифатида эмас, қаҳрамоннинг бир макондан бошқасига ўтиши сифатида ҳам ўрганиш зарур.

Олим Ю.М.Лотман маданият маконида «ички» ва «ташқи» ҳудудлар ҳамда уларни ажратиб турувчи чегара мавжудлигини таъкидлайди. «Ички» макон муайян жамоа учун таниш, тартибли ва ўзиники деб қабул қилинса, «ташқи» ҳудуд номаълум, бегона ёки хавфли сифатида баҳоланиши мумкин [1, 131–142-б.].

Эртақда чегарани кесиб ўтиш қаҳрамоннинг жой алмаштиришигина эмас. Бу ҳаракат уни аввалги ижтимоий ҳолатидан чиқариб, янги вазифа ва масъулият олдига қўяди. Олим Ю.М.Лотман сюжетнинг пайдо бўлишини ҳам персонажнинг белгиланган макон чегарасидан ўтиши билан боғлайди [1, 151–170-б.].

Тадқиқотчи Арнольд ван Геннеп инсон ҳаётидаги бир ҳолатдан бошқасига ўтиш жараёнини уч босқичга ажратади: аввалги муҳитдан ажралиш, оралиқ ҳолатдан ўтиш ва янги мақом билан жамоага қайтиш [2, 10–11, 15–25-б.]. Ушбу қараш маросимларни ўрганишга мўлжалланган бўлса-да, эртак қаҳрамони ҳаракатини тушунтиришда ҳам самаралидир. Қаҳрамон уйдан чиқади, бегона маконда синовдан ўтади ва ўзгарган ҳолда ортга қайтади.

Мақоланинг мақсади қорақалпоқ, туркман ва инглиз фольклори эртакларида макон чегарасининг қандай белгилар орқали ифодаланиши ва уни кесиб ўтиш сюжетни қай тарзда ўзгартиришини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотда қиёсий-типологик, макон-вазифавий ва матний таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил қилинаётган учала халқ эртакларида маконларни вазифасига кўра куйидагича гуруҳлаш мумкин:

- а) Таниш макон – қаҳрамоннинг хонадони, оиласи ёки овули жойлашган муҳит.
- б) Йўл макони – таниш ва бегона ҳудудларни бир-бири билан боғловчи саҳро, тоғ йўли ёки узоқ масофа.
- в) Чегара макони – дарвоза, ғор оғзи, черков, эшик ёки тепалик каби икки оламни ажратиб турувчи жой.
- г) Бегона макон – дев, пари ёки инсонга душман куч ҳукмронлик қиладиган ҳудуд.
- д) Ўзлаштирилган макон – қаҳрамон ҳаракати натижасида хавфсиз ёки инсонга мос муҳитга айланган жой.

Маконларнинг ушбу турлари қатъий ва ўзгармас эмас. Масалан, сахро аввал кундалик меҳнат макони бўлиб, кейин номаълумлик ҳудудига айланиши мумкин. Ғор дастлаб ёввойи макон сифатида тасвирланиб, қаҳрамон уни тартибга келтиргач, оилавий хонадон вазифасини бажара бошлайди.

Қорақалпоқ фольклоридаги «Дэў менен бала» эртагида таниш макон оила хонадони ва қўрадан иборат:

«Бурынғы өткен заманда бир кемпир менен ғаррының жалғыз улы болыпты. Олардың қорасында жети ешкиси болып, мудамы оларды бағып жүреді екен» [3, 406-б.].

Қўра, етти эчки ва уларни ҳар куни боқиб юрган бола чорвачиликка асосланган кундалик турмушни ифодалайди. Хонадон ва қўра тартибли макондир: ҳар бир оила аъзосининг вазифаси маълум, чорва назорат остида. Бола эчкиларни далага олиб чиқиб, ухлаб қолгач, ушбу тартиб бузилади. Уйғонганида чорвани топа олмайди:

«Уйқядан турса, ҳеш жерде ешкилер көринбейди. Ушын түргелип, этираптың бәрін қарап шығады. Бирақ, ҳеш жерден ешкилерин таба алмайды. Көрдим-билдим деген адам жоқ» [3, 406-б.].

Сахро аввал эчки боқиладиган одатий меҳнат ҳудуди эди. Аммо чорва йўқолиши ва атрофда одам учрамаслиги уни номаълум маконга айлантиради. «Кўрдим-билдим деган одам йўқ»лиги боланинг жамоа ҳимоясидан узоқлашганини кўрсатади.

Қаҳрамон узоқдан эшитилган ит овозига қараб юради. Овоз йўл кўрсатувчи белги бўлса-да, уни ўз овулига эмас, дев уйига олиб боради.



Шундай қилиб, сахро инсон хонадони билан ғайриоддий куч маконини бирлаштирувчи оралиқ ҳудуд вазифасини бажаради.

Дев уйи ташқи кўринишига кўра хонадон, аммо ички тартибига кўра инсон уйининг акси ҳисобланади. Одам хонадонида меҳмон ҳимоя қилинса, дев уйида инсон егулик сифатида қаралади. У ердаги қўл-оёғи боғланган кишилар болани огоҳлантиради:

«Бул жер дэўдин үйи, ҳэзир ол келип қалса, бизлер менен қосып сени де жейди» [3, 406-б.].

«Бу ер девнинг уйи» деган хабар макон эгасинигина эмас, унда амал қиладиган қонидани ҳам билдиради. Ушбу ҳудудда инсон эркинлиги йўқ, куч девга тегишли.

Бола дев олиб келган қўйлар орасига кириб, қўй терисини кийиб олади. Тери икки хил мавжудот орасидаги ташқи чегарани вақтинча йўқотади: бола моҳиятан инсон бўлиб қолади, ташқи қиёфада эса қўйга айланади. У дев маконидан чиқиб кетиш учун унга ташқи жиҳатдан мослашади.

Қаҳрамон дев ухлаганда асирларни озод қилади ва унинг мол-мулкини олиб кетади. Бегона маконда тўпланган бойлик кейин овулга келтирилади:

«Бала ўйине келип, дэўден қалған дўнья-малды аўылдағы кәмбағалларға бөлип береди» [3, 406-б.].

Мазкур якун бегона макондан олинган нарсанинг ўз макони қонунига бўйсундирилишини кўрсатади. Дев бойликни ўз кучининг белгиси сифатида тўплаган бўлса, бола уни жамоавий адолат воситасига айлантиради. Демак, овул географик жойгина эмас, бойликнинг ахлоқий қиймати қайта белгиланадиган макондир.



Туркман фольклоридаги «Акратук» эртагида макон чегараси аввало хонадон дарвозаси орқали ифодаланади. Етти ака овга кетишдан олдин қиз туғилса, дарвозага қўғирчоқ, ўғил туғилса, ўқ-ёй осиб қўйишни тайинлайди [4, 34-б.].

Дарвоза уйнинг ичи билан ташқарисини ажратиб туради. Бироқ мазкур эртақда у хабар етказувчи белги вазифасини ҳам бажаради. Қўғирчоқ қиз фарзандни, ўқ-ёй эса ўғил бола ва овчилик турмушини билдиради. Ҳасадгўй қўшни қўғирчоқни олиб, ўрнига ўқ-ёй осадди. Натижада чегарадаги белги ҳақиқатни яширади.

«Oglanlar awdan gelyärkäler, ok-ýaýa gözleri düşüp: “Hudaý bize gyz dogan bermändir” diýip öýkeläp, öýlerine-de, obalaryna-da gelmän, başga bir ýerde mesgen tutup, aw awlamak bilen gün görüp başlapdyrlar» [4, 34-б.].

Ака-укалар уйга кирмайдилар. Уларни жисмоний девор эмас, нотўғри талқин қилинган белги тўхтатади. Шу тариқа эртақда оила аъзоларининг ажралиши макон чегарасидаги маънонинг бузилиши натижасида юзага келади.

Акратук ака-укаларини топиш учун тоғдаги ғорга йўл олади. Онаси пиширган юмалоқ нон унга йўл кўрсатади:

«Men bir köke bişirip bereýin, şony tigirle-de git, nirä baryp dursa, doganlaryň şol taýda bolar» [4, 36-б.].

Кўмоч уйда тайёрланган озиқ бўлиши билан бирга, оила маконини йўл билан боғлайдиган воситадир. Унинг думалаб бориши қаҳрамон билмайдиган масофани енгишга ёрдам беради. Шунинг учун йўлга чиққан



нон оналик ғамхўрлигининг макондаги давоми сифатида талқин қилиниши мумкин.

Акрамук етиб борган ғор дастлаб қонли кийимлар ва осиб қўйилган гўштлар билан тасвирланади:

«Bir dagyñ gowagyna barypdyr. Görse, gowagyñ içi ganly geýimden doly. Birnäçe ýerde et asylyp goýlupdyr» [4, 36-б.].

Бу манзара ғорнинг ёввойи ва инсон хонадонига зид макон эканини кўрсатади. Аммо Акрамук кийимларни ювади, овқат тайёрлайди ва атрофни тозалайди. Қаҳрамон девор қурмайди ёки ғорни тарк этмайди; у кундалик оилавий меҳнат орқали унинг ички маъносини ўзгартиради. Натижада ғор аста-секин ака-укалар яшайдиган хонадонга яқинлашади.

Эртақда бегона куч ғор чегарасини тўғридан-тўғри бузмайди. Акрамук девдан олов олиб қайтаётганда этагидан тўкилган кул йўлда из қолдиради. Дев ана шу из орқали ғорни топади. Кул бу ерда бир макон ҳақидаги маълумотни бошқа маконга етказувчи белгига айланади.

Шундай қилиб, «Акрамук» эртагида чегара уч хил ҳолда очилади: дарвозадаги белги алмаштирилиши оилани ажратади; юмалоқ нон қаҳрамонга ёпиқ маконни топиш имконини беради; тўкилган кул бегона кучга оилавий макон йўлини кўрсатади.

Биринчи белги ёлғон, иккинчиси ёрдамчи, учинчиси эса хавфли ахборот ташувчидир. Демак, эртақда макон чегараси фақат жисмоний тўсиқ эмас, белгилар орқали бошқариладиган мураккаб тизимдир.

Тадқиқотчи Жозеф Жейкобснинг «Childe Rowland» эртагида дастлабки воқеа черков атрофида содир бўлади. Rowland, унинг ака-укалари ва синглиси Burd Ellen тўп ўйнайдилар:

“Childe Rowland and his brothers twain
Were playing at the ball.
And there was their sister Burd Ellen
In the midst, among them all” [5, 122-б.].

Черков жамоанинг диний ва маданий маркази бўлиб, болалар учун хавфсиз ўйин маконига ўхшайди. Аммо тўп черков устидан ошиб кетгач, Burd Ellen уни излаб бинони қуёш ҳаракатига тескари йўналишда айланади. Матндаги *widdershins* сўзи ана шу тескари ҳаракатни англатади [5, 122–123-б.].

Черковнинг ўзи хавфли эмас. Хавф уни белгиланган тартибга зид равишда айланиш натижасида юзага келади. Демак, маконнинг маъноси қаҳрамон ҳаракатининг йўналишига ҳам боғлиқ. Burd Ellen оддий жисмоний чегарадан эмас, маданий қонидани бузиш орқали Elflandга ўтиб кетади.

Rowland синглисини қутқариш учун Мерлин ғорига боради. Ғор бу ерда хавф макони эмас, икки олам ўртасида ҳаракат қилиш қоидалари ўргатиладиган билим маконидир. Мерлин қаҳрамонга Elflandда нима қилиш ва нимадан тийилиш кераклигини тушунтиради.

Elflandга кириш яшил, думалоқ тепалик орқали амалга ошади. Rowland уни уч марта қуёш йўналишига тескари айланиб:

“Open, door! open, door!
And let me come in” [5, 126-б.], —

дейди. Учинчи мартада эшик очилади. Тепаликнинг ташқи томони табиий ер шакли, ички қисми эса улкан саройдир. Шу тариқа бир маконда оддий табиат ва яширин ғайриоддий олам бирлашади.

Тепалик эшиги очилгач, Rowland ёпиқ йўлакка киради. Бу йўлак икки олам орасидаги ўтиш ҳудудидир. У инсонлар оламига ҳам, Elfland саройига ҳам тўлиқ тегишли эмас. Қаҳрамон йўлакни босиб ўтгачгина Қоронғи миноранинг ички залига етиб боради.

Elfland саройи олтин, кумуш, олмос ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Аммо ушбу гўзаллик уни хавфсиз маконга айлантормади. Саройда Burd Ellen асир, ака-укалари эса сеҳрланган ҳолда ётади. Шундай қилиб, ташқи ҳашамат эркисизликни яширади.

Қаҳрамон Elfland таомини истеъмол қилмаслик орқали ушбу маконга мансуб бўлиб қолишдан сақланади. У ўзга олам бойлиги ва таомини қабул қилмай, ўз олами билан боғлиқлигини сақлайди. Шу маънода чегарани жисман кесиб ўтиш мумкин, аммо маънавий чегарани сақлаб қолиш қаҳрамоннинг иродасига боғлиқ.

Уч эртақда чегара турли шаклларда намоён бўлади:

қорақалпоқ фольклори эртагида – саҳро, қоронғилик ва дев уйи;

туркман фольклори эртагида – дарвоза, тоғ ғори, нон ва кулдан қолган из;

инглиз фольклори эртагида – черков, Мерлин ғори ва яшил тепалик.

«Дэў менен бала» эртагида чегарадан ўтиш эҳтиётсизлик натижасида содир бўлади. «Акрамук» эртагида маконлар ўртасидаги алоқа белгилар – кўғирчоқ, ўқ-ёй, кўмоч ва кул орқали бошқарилади. «Childe Rowland» эртагида эса чегарани очиш учун махсус йўналиш, сўз ва ҳаракат зарур.

Қорақалпоқ фольклоридаги эртак қаҳрамони бегона маконни енгиб, ундаги бойликни овул ахлоқига бўйсундиради. Туркман фольклоридаги эртак қаҳрамони ёввойи ғорни меҳнат орқали оилавий маконга айлантиради. Инглиз фольклоридаги эртак қаҳрамони эса ўзга оламини ўзлаштирмайди; у асирларни озод қилиб, бу маконни бутунлай тарк этади.

Ушбу ўринда, бегона маконга муносабатнинг уч хил модели шаклланади:

- а) бегона макон устидан ғалаба қозониш;
- б) бегона маконни инсон ҳаётига мослаштириш;
- в) бегона макон қоидаларини рад этиб, ундан чиқиб кетиш.

Умуман олганда, қиёсий таҳлиллардан келиб чиқиб, эртак сюжетининг макон чегарасини кесиб ўтиш асосида ривожланишини кўрсатди. Чегара дарвоза, саҳро, ғор, черков ёки тепалик шаклида намоён бўлса-да, унинг асосий вазифаси таниш тартиб билан номаълум ҳудудни ажратишдир.

Қорақалпоқ фольклори эртагида овул жамоавий адолат маркази, дев уйи эса инсон эркинлиги бузилган макон сифатида қарама-қарши қўйилади. Туркман фольклори эртагида макон чегаралари белгилар орқали очилади ёки ёпилади; қаҳрамон эса меҳнат билан ғорни оилавий ҳудудга айлантиради. Инглиз фольклори эртагида черков ва Elfland ўртасидаги фарқ маданий тартибга амал қилиш ёки уни бузиш орқали белгиланади.

Шундай қилиб, эртак макони географик манзил эмас, балки халқнинг ўз олами, бегона муҳит, хавфсизлик, оила ва ахлоқий тартиб ҳақидаги қарашларини ифодаловчи бадиий тизимдир.



- [1] Y.M.Lotman, *Universe of the Mind: A Semiotic Theory of Culture*, A. Shukman, Trans. London, UK: I. B. Tauris, 1990, pp. 123–142, 151–170.
- [2] A. van Gennep, *The Rites of Passage*, M. B. Vizedom and G. L. Caffee, Trans. Chicago, IL, USA: University of Chicago Press, 1960, pp. 10–11, 15–25.
- [3] Қарақалпақ фольклоры. 72-том: *Балалар ертеклери*. Нөкис: Илим, 2014, 406-б.
- [4] Ş.Geldiyewa. *Türkmen halk ertekileri: Jadyly ertekiler*. Aşgabat: Miras, 2006, 34–46-б.
- [5] J.Jacobs, “Childe Rowland,” in *English Fairy Tales*. London, UK: David Nutt, 1890, pp. 122–129.
- [6] J.Lotman and W. Clark, “On the Semiosphere,” *Sign Systems Studies*, vol. 33, no. 1, pp. 205–229, 2005, doi: 10.12697/SSS.2005.33.1.09.